

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Қосимова Нодира Саидовна

E-mail: qosimovagtiet.uz@gmail.com

Термиз муҳандислик-технология институти ассистенти

Аннотация. Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, тарихий даври, ривожланиши ва шаклланиши каби масалалар ёритилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатларини жадаллаштиришида, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали аҳоли эҳтиёжларини қондириш, уларнинг даромадларини ошириш масалаларини ҳал этиш, фаровон яшашини таъминлаш, бандлик, соғлом рақобат муҳитини яратиш, бозордаги талаб ва таклифга самарали таъсир кўрсатишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим омил эканлиги тўғрисида сўз боради. Хусусан ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишида ҳукуватимиз томонидан ушбу соҳани ривожлантириш, ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун амалга оширилаётган кенг ислохотлар ёритилган.

Аннотация: В статье освещены такие вопросы, как сущность, исторический период, развитие и становление малого бизнеса и частного предпринимательства. Также малый бизнес и частное предпринимательство имеют важное значение в ускорении роста экономики страны, удовлетворении потребностей населения посредством проводимых социально-экономических реформ, решении вопросов увеличения его доходов, обеспечения его благосостояния, занятости, создания здорового населения. Говорят, что это фактор, влияющий на конкурентную среду и эффективно влияющий на спрос и предложение на рынке. В частности, в развитии региональной экономики отмечены масштабные реформы, проводимые www.pedagoglar.org

нашим правительством для развития этой отрасли, а также для укрепления ее правовой основы.

Abstract: *The article covers such issues as the essence, historical period, development and formation of small business and private entrepreneurship. Also, small business and private entrepreneurship are important in accelerating the growth of the country's economy, meeting the needs of the population through ongoing socio-economic reforms, addressing issues of increasing their income, ensuring their well-being, employment, and creating a healthy population. It is said to be a factor that influences the competitive environment and effectively influences the supply and demand in the market. In particular, the development of the regional economy has been marked by large-scale reforms carried out by our government to develop this industry, as well as to strengthen its legal framework.*

Калим сўзлар: *Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, диверсификация, молиявий қўллаб-қувватлаш, консультатив қўллаб-қувватлаш, иқтисодий барқарорлик, рақобат муҳити, монопол корхоналар, стартап лойиҳа, имтиёз, преференция, лицензия, рухсатнома, сертификат.*

Ключевые слова: *Малый бизнес, частное предпринимательство, диверсификация, финансовая поддержка, консультативная поддержка, экономическая стабильность, конкурентная среда, предприятия-монополисты, стартап-проект, льгота, преференция, лицензия, разрешение, сертификат.*

Key words: *Small business, private entrepreneurship, diversification, financial support, advisory support, economic stability, competitive environment, monopolistic enterprises, startup project, benefit, preference, license, permit, certificate.*

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётни кенг ривожланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдор синф иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутати. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бажарадиган асосий вазифа шундан иборатки, у жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ана шу ўрта қатламни шакллантиради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширишдек вазифани амалга оширади. *У бир томондан*, қандайдир даражада йирик корхоналар билан рақобатда бўлади ва шу нуқтаи назардан иқтисодиётни бозор конъюктураси ўзгаришларига, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришга ёрдам беради. *Иккинчи томондан*, эса кичик корхоналарнинг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қилади, уларга хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ҳамда уни тўлдириш муаммосини тез ва тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига тезда мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини яратиши билан ишсизлик муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини иқтисодиётнинг муҳим бир ажралмас қисми бўлиб, унинг иштирокисиз ҳудудлар иқтисодиётини ривожланишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кичик тадбиркорликнинг ҳудуд иқтисодиётига таъсирини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- янги иш ўринларини яратилиши, бандлик даражасининг ошиши, ўз-ўзини иш билан банд этишнинг кенгайишига;
- аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига;
- бозор талабининг қондирилишига;
- ҳудудий бозорлар ривожланишига;
- турли ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини тартибга солиб туришга;
- фаол, тадбиркор шахслар ва юқори даражали бизнесменларнинг шаклланишига;
- иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқалар ўрнатишга;
- жамиятда сиёсий вазиятни кафолатловчи ўрта қатлам шакллантирилишига;
- нисбатан кам маблағлар ҳисобига янги иш жойлари яратилишига;
- технологик, техник ва ташкилий янгиликларнинг тез тадбиқ этилиши ва бевосита ишлаб чиқарилишига;
- рақобат муҳитининг юзага келтирилишига;
- монопол корхоналарнинг камайишига;
- ҳудуднинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Шу ўринда, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва шаклланишининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак. Бу даврни уч босқичга бўлиш мумкин:

- инқилобгача,
- шўро даври ва
- мустақилликдан кейинги давр.

Инқилобга қадар, Ўзбекистон жуда катта хом-ашё ресурслари захираларига эга бўлган ҳолда, ўз саноатига эга бўлмаган. Подшо Россиясининг саноатчилари 1902 йилда Туркистон губернатори иш юритиш

хонасининг “Хунармандлик жамиятларини тарқатиш” ҳақидаги Қарори чиқди. 1909 йилда “Усталар ва қора ишчилар артелининг Низоми” тасдиқланди. Туркистон хунармандларининг бадий ва маиший буюмлари Петербург ва Москвадаги ҳар йиллик бутун Россия кўргазмаларида 1917 йилга қадар мунтазам етказиб берилган, 1910 йилларда эса Самарқандда хунармандлик буюмларининг бозор кўргазмалари ўтказила бошланган.

Инқилобдан сўнгги давр тадбиркорлар учун мураккаб ва бир хил бўлмаган. Шўро ҳукуматининг биринчи йилидан бошлаб ҳукумат, мамлакатнинг бутун ҳудудида хунармандчилик ишлаб чиқаришини бўғишга ҳаракат қилган. Аммо, аста-секинлик билан, хусусий бизнесга талаблар ҳисобга олина бошланди ва у маълум доирага киритилди. 1921 йилнинг 8 августида Туркистон Республикасининг Советлар марказий ижроия Комитети 88 - сонли “Хунармандчилик ва майда саноат ҳақида”ги қарорини қабул қилган. Бу қарор билан хунармандчилик ва майда саноатнинг регламенти ва статуси, уларнинг ҳуқуқлари ва давлат билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилди. Амалда республиканинг барча ҳудудларида металл ва ёғочдан буюмлар ишлаб чиқариш, кулолчилик, кийимлар ва пояфзал тикиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги асбобларини ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ташкил қилинди. Кичик корхоналарнинг тез ривожланиши уларни бошқариш идораларини тузиш заруриятини келтириб чиқарди ва 1923 йилнинг 16 сентябрида Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши 139-сонли қарорни қабул қилди, унда ТССР ҳудудида саноатни умумий тартибга солиш вазифалари белгилаб берилган ва вилоят ижроия комитетлари бўлимлари ҳуқуқида ҳаракат қилувчи ва вилоят ижроия комитети сметаси бўйича маҳаллий бюджетга кирувчи маҳаллий саноатнинг вилоят бўлимлари тасдиқланган. Шўро ҳокимияти йилларида усталар ва хунармандлар катта ва машаққатли йўлни босиб ўтдилар.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Декларация қабул қилинган пайтдан бошлаб, *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг учинчи даври* бошланди.

1991 йилнинг 15 февralида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикасида “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни¹ қабул қилинди ва биринчи хусусий корхоналар очилди. Бу қонун корхоналарга ижобий ташаббусларини амалга оширишга, турли муаммоларни ечишга имкон берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар корхоналарини давлат мулкидан хусусий корхоналарга айлантириш жараёни амалга оширилди. Сўнгра хусусийлаштириш йириклаштирилган ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича бажарилди, уларнинг заминида очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари тузилди ва бу ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи рол ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт вужудга келди.

Мамлакатимизда қисқа даврда тўпланган тажрибаларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигини исботлади. Айниқса, мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификация шароитида миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошиши ва юқори макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Республиканинг барча тармоқлар ва корхоналарида бошқарув тизимлари тубдан ўзгартирилди, ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклининг ривожланиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса бу соҳада қабул қилинган Президент Қарор ва Фармонларини кўрсатиб ўтиш лозим.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 30 сентябрдаги 364-ХП-сон [Қонунига](#) асосан “Ўзбекистон ССР” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси” деган сўзлар билан алмаштирилган.
www.pedagoglar.org

**Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари турли
чегараларининг амал қилиш босқичлари**

| Босқич | Йиллар | Тегишли меъёрий ҳужжатлар |
|---------------|---------------|---|
| I | 1991-1995 | Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни (15.02.1991 йил № 207-XII) “Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисидаги Низом” (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарорига 2-сонли илова) |
| II | 1995-1998 | Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни (1995 йил 21 декабр) |
| III | 1998-2003 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (1998 йил 9 апрел) |
| IV | 2003-2011 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори (2003 йил 11 октябр) |
| V | 2011-2019 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қарори (2013 йил 14 июн), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони) Қарори (2014 йил 3 июл), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони) |
| VI | 2020- | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус |

² “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари”. Халилов Навруз Мансурович
www.pedagoglar.org

| | |
|-----------------|--|
| кейинги даврлар | пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармони). Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “Очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон Қарори). “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (14.09.2023йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон) |
|-----------------|--|

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан белгиланади. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Охириги йилларда Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги беқиёс ўрнини ҳисобга олиб, ҳукуватимиз томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг ислохотлар амалга оширилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Маълумки, 2023 йилнинг 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича **“узлуксиз хизматлар занжири”**ни яратиш мақсадида, “Кичик бизнесни

ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чоратadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (14.09.2023йил. № ПҚ-306) қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси ва мутасадди ташкилотларнинг асосий вазифалари тасдиқланди. Дастурни 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари йўналтирилиши белгиланди. 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча чоралар белгиланди:

а) молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:

- тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

- қиймати 1,5 миллиард сўмгача бўлган асосий воситаларни 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга бериш;

- 24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ва охириги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда камида 10 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларига ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан 20 фоизгача, бироқ 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қийматда улушдор бўлиб кириш;

- инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳа³ларига давлат илмий дастурлари доирасида 2 миллиард сўмгача грант

маблағларини ажратиш;

б) консултатив қўллаб-қувватлаш йўналишида:

-лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

-давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

-тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришни назарда тутати.

Марказларга ўзи томонидан кичик бизнес лойиҳаларига киритилган улушни 7 йил давомида бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш ҳуқуқи тақдим этилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаларини яратишдан иборат бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишда катта рол ўйнайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш, миллий бойликларини кўпайтириш ва миллат фаровонлиги учун хизмат қилади. Кичик бизнес корхоналари ташкил этилиши ва ривожланиши натижасида кўпгина монопол корхоналар тугатилиб мулкчиликнинг бошқа шаклидаги бозор талабларига жавоб бера оладиган, кам маблағ талаб қиладиган ва бозорда ўз улуши учун рақобатлашадиган корхоналар вужудга келади. Бундан ташқари кичик бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни

³ 1939 йил Америка Қўшма Штатларда, янги технологияларни ривожлантириш маркази бўлган Сан-Франсиско яқинида, Стенфорд университети битирувчилари, *Девид Пакард* ва *Уилям Хьюлетт*, ғояни ишлаб чиқди, уни амалда синовдан ўтказди ва уларнинг лойиҳасини стартап деб аташди (инглиз тилидан *иш бошлаш* - ишга тушириш, бошлаш).

нисбатан тез ва ортиқча сарф харажатларсиз ечишга, ички бозорни молиявий ресурслар чегараланганига қарамасдан истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирлиги билан ажралиб туради

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 14.09.2023 йил. ПҚ-306 «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони)

4. М.П.Болтабаев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, Ш.Ж.Эргашходжаева,

А.Н.Самадов, Ш.И.Отажонов “КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК”. Тошкент-2011

5. JOURNAL OF MARKETING, BUSINESS AND MANAGEMENT “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари” Халилов Навруз Мансурович.

6. Н.С.Косимова “Соҳа иқтисодиёти ва менежменти” Ўқув қўлланма Термиз- 2024

7. Saidovna, Qosimova Nodira, and Sharifova Nargiza Khasanov. "MILLIY IQTISODIYOTDA IQTISODIY O'SISH VA DINAMIK MUVOZANAT." *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH* 2.15 (2023): 92-97.

8. Saidovna, Kasimova Nodira. "THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF MINERAL RESOURCES IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY." *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE* 3.6 (2024): 56-61.

9. Qosimova, Nodira Saidovna. "O'ZBEKISTONNING IJTIMOIIYIQTISODIY RIVOJLANISHIDA ISLOMIY MOLIYANING AHAMIYATI VA IMKONIYATLARI." *Scientific progress* 4.2 (2023): 223-228.

10. Qosimova, Nodira Saidovna, Nargiza Djurayevna Sharifova, and Adolat Ilhom Qizi Musurmonova. "MAMLAKAT IQTISODIY RIVOJLANISHIDA MINERAL XOM-ASHYO RESURSLARINING TUTGAN O'RNI VA AHAMIYATI." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.4-2 (2023): 639-648.

11. Касимова, Нодира Саидовна. "Инвестиционная среда в Узбекистане." *Экономика и социум* 10-2 (101) (2022): 361-364.